

ШАРТНОМА

Тошкен ш.

2022 йил "01" 01

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация хизмати давлат унитар корхонаси  
Тошкент шаҳар бошқармаси, кейинги ўринларда "Инкассация хизмати" деб аталувчи,

Ишончнома асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи Каримов Ж. М. бир тарафдан ва

СҚБ Сервис-Ф-Е кейинги ўринларда "Банк" деб аталувчи \_\_\_\_\_  
(банк номи) (устав, низом ва х.к.)

асосида иш юритувчи Юнусов С.М. иккинчи тарафдан ҳамда  
(лавозими, фамилияси, исми шарифи)

Шаҳар Тер-Таловсе Кассационари Директори кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб  
аталувчи (хўжалик субъекти номи)

Кедрел асосида иш юритувчи Артыков А.Ф.  
(устав, низом ва х.к.) (лавозими, фамилияси, исми шарифи)

учинчи тарафдан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

**1. Шартнома предмети.**

1.1. "Инкассация хизмати" ўз кучи ҳамда воситалари билан, "Буюртмачи" билан келишган кунларда ва соатларда пул тушумини йиғади. "Буюртмачи"лар рўйхатлари, пул тушумлари йиғиладиган кунлар ва соатлар кўрсатилган қатнов жадваллари "Банк" билан "Инкассация хизмати" ўртасида келишиб тузилади. "Банк" инкассаторлардан нақд пулни қабул қилиб олади ва ўз вақтида "Буюртмачи"нинг ҳисоб рақамига ўтказилади. "Буюртмачи" эса, "Инкассация хизмати" томонидан кўрсатилган хизматлар учун ушбу шартномада кўзда тутилган миқдорларда ва муддатларда ҳақ тўлайди.

1.2. "Инкассация хизмати" томонидан "Буюртмачи"нинг пул тушумини йиғиш ишлари ҳафтанинг якшанба ва байрам кунларидан ташқари амалга оширилади. Пул тушумини якшанба ва байрам кунлари йиғиш ишлари "Буюртмачи"нинг алоҳида буюртмасига асосан амалга оширилиши мумкин.

**2. Тарафларнинг мажбуриятлари.**

**2.1. "Инкассация хизмати"нинг мажбуриятлари:**

- "Буюртмачи"нинг нақд пул тушумларини мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган кунлари инкассация қилинишини таъминлайди;
- ўз кучи ва техник воситаси билан "Буюртмачи"нинг кунлик нақд пул тушумини йиғади ҳамда "Банк"ка бутлигини ва дахлсизлигини таъминлаган ҳолда олиб бориб топширади;
- "Буюртмачи" томонидан 71 244-04-88 телефон рақами орқали берилган буюртмаларни алоҳида юритилган китобда қайд этади ва "Буюртмачи"нинг пул тушумини буюртмада кўрсатилган кунлари ўз вақтида инкассация қилинишини таъминлайди;
- "Буюртмачи"нинг масъул вакилига нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (қоп)ларини топшириш тартибини ўргатади;
- "Инкассация хизмати"нинг инкассаторлари томонидан нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (қоп)ларида ташқи шикастланишлар (ямоқлар, чоклари сўкилган, йиртилган, тизимчаларнинг узилган ёки тугилган жойлари) мавжуд бўлганда, пломбага пломбираторнинг изи аниқ туширилмаганда, шикастланганда, тасдиқланган намунага мос келмаганда ва илова ҳужжатларида камчиликлар мавжуд бўлганда қабул қилинмайди. Инкассатор сумка (қоп)лари ва илова ҳужжатларидаги камчиликлар бартараф этилгандан кейингина улар қабул қилинади.

**2.2. "Банк"нинг мажбуриятлари:**

- "Инкассация хизмати" инкассаторлари йўналишлардан йиғиб келган нақд пул тушумлари солинган ва бўш инкассатор сумка (қоп)ларини олиб келинган заҳоти қабул қилиб олинишини таъминлайди;
- пул тушумидан бўшаган инкассатор сумка (қоп)ларини банк бўлимида алоҳида хонада ёки металл шкафларда сақланишини ҳамда "Инкассация хизмати"нинг инкассаторларига йўналишга чиқишдан бир соат олдин топширилишини таъминлайди;
- "Инкассация хизмати"нинг инкассаторларидан қабул қилиб олинган нақд пулларни санаб, саралаб, ўз вақтида "Буюртмачи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради;
- банк ходимлари нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (қоп)ларида ташқи шикастланишлар (ямоқлар, чоклари сўкилган, йиртилган, тизимчаларнинг узилган ёки тугилган жойлари мавжуд бўлганда, пломбага пломбираторнинг изи аниқ туширилмаганда, шикастланганда, тасдиқланган намунага мос келмаганда ва илова ҳужжатларида камчиликлар) аниқланганда, пул тушумини инкассаторлар иштирокида қайта санаш ва белгиланган тартибда расмийлаштириш йўли билан қабул қилади;
- ҳар ойнинг 5-санасигача "Буюртмачи"нинг ўтган ойдаги инкассация хизмати орқали топширган нақд пул тушуми тўғрисида маълумотларни тасдиқланган ҳамда электрон шаклларда "Инкассация хизмати"га тақдим этади.

**2.3. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

- кунлик нақд пул тушумини Душанбе, Якшанба  
(даврийлиги) ой санаси ёки ҳафта кунлари кўрсатилади)